



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (11.880)

Баҳоси эркин нарҳда



## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



### Ифтихор

**Рустам ХУСАНОВ,**  
Шайхонтоҳур туманидаги «Лабзак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори барча юрtdошларим қатори мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Чунончи, энг улуг, энг азиз неъмат бўлмиш Истиқлол туфайли ҳар бир соҳада, ҳар бир жабҳада янгиланишлар, ўзига хос ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Мустақиллигимиз туфайли маҳаллаларимиз гуллаб-яшнамоқда. Мисол учун «Лабзак» маҳалласида ўтган йигирма йил мобайнида мактовга арзийдиган ишлар қилинди. Ҳозирда маҳалламизда мактаб, мактабгача таълим муассасаси, чойхона, новвойхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, озиқ-овқат дўкони аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Мақсадимиз келажагимиз ворислари — ёшлар, болалар учун спорт майдончаси барпо этиш, маҳалламиз аҳлининг фаровонлиги йўлида янги режаларни амалга оширишдир.

**Дилдора ЖАМОЛОВА,**  
Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейи директори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Тинч ва осойишта, обод ва овоз юртимизга тўю тантаналар, байрамлар ярашади. Бугунги кунда мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори мусика санъатини ривожлантиришга қаратилаётган муҳим эътибор янги-янги марралар сари ундайди, ижод аҳлига қанот бағишлайди. Мустақиллик тенгдоши бўлган ёшларимиз барча соҳаларда билим ва ҳунар эгаллаб, ўз истеъодларини намоён этмоқдалар. Бундай ёшлар сафи ортиб бораётганлигидан қувонаман. Иқтидорли ёшларимиз ўзбек мусика санъати довуғини жаҳонга танитмоқдалар. Булар албатта истиқлол шарофатидандир. Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини мусика академик лицейи ўқувчилари ҳам албатта ўз ютуқлари билан муносиб кутиб оладилар.

**Мамлакатимиз ўзининг тарихий обидалари, бетакрор маданияти ва анъаналари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан сайёҳларни мафтун этмоқда. ЎЗА муҳбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.**

### Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

## ХАЛҚИНГИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИГА ҲАВАСИМИЗ КЕЛДИ

**Октавио УЭРТА (Испания):**

— «Catalunya» сайёҳлик компанияси вакилиман. Ўзбекистонга хизмат сафари билан келдим. Тошкентни томоша қилар эканман, испаниялик кўплаб сайёҳларни учратдим. Юрtdошларим билан суҳбатлашиш чоғида мамлакатингиз, халқингиз ҳақида жуда кўп самимий сўзларни эшитдим. Хусусан, Ўзбекистоннинг тароватли табиати, айниқса, бу ерда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, инсонлардаги самимийлик сайёҳларда катта таассурот қолдириши табиий.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, урф-одатлари, анъана ва кадриятлари, юртингизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди. Шунини ишонч билан айта оламани, Испанияда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилон каби шаҳарларни кўришга орзуманд кишилар гоят кўп. Истагим — мамлакатларимиз ўртасидаги сайёҳлик соҳасидаги алоқалар бошқа жабҳалар каби изчил ривожланаверсин.

**Клеменс МАЗО хоним (Франция):**

— Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман. Чунки бу ажиб диёрнинг асрлар мобайнида сайқалланган бетакрор анъаналари ва кадриятларини ниҳоятда эъзозлайман. Менга гўзал ва бетакрор, замонавий пойтахтингиз, айниқса, Тошкент метроси ўзининг озодлиги, йўловчилар учун гоят қулайлиги ва кўркамлиги билан ёқди. Кўп давлатларда бўлганман. Лекин ҳеч бир ерда бундай ораста ер ости транспорт воситасини кўрмаганман. Ўзбекистон ёшларининг кексаларга ҳурмати мени жуда қувонтирди.

(Давоми 2-бетда)

### Шаҳримиз янада обод ва кўркам бўлади

## БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ САМАРАЛАРИ

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раисининг ўринбосари Зайниддин АБРОРОВ билан суҳбатимиз бугунги бунёдкорлик ва янгиланиш ишларининг самараси хусусида кечди.

— Зайниддин Зиёвиддинович, бу йил кутлуг байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги кенг нишонланади. Улуг шодиёна арафасида шаҳримизда йўлларни кенгайтириб, жаҳон андозалари даражасига етказиш, йўловчилар ва транспорт воситаларига янада катта қулайликлар яратиш борасида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари авжга чиққан. Ана шу ишларнинг кўлами, босқичлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрида ҳар йили автотранспорт воситаларининг сони 20 мингтага кўпайишини

**Мустақиллик шарофати билан Юртбошимиз раҳнамолигида Тошкент шаҳрида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, кундан кунга пойтахтимиз замонавий тус олмақда. Кўплаб янги осмонўпар бинолар, автомагистраллар, кўприklar, шохкўчалар, транспорт воситаларига қулай кенг ва раво кўчалар бунёд этиш ва реконструкция қилиш, автомобиллар сақлаш жойларини қуриш ва кенгайтириш ишлари амалга оширилмоқда.**

ҳисобга оладиган бўлсак, йўлларни кенгайтириш, уларнинг ўтказувчанлик имкониятларини ошириш, чорраҳаларда тирбандликларни камайтириш бугунги кунда энг долзарб масалалар қаторига киради.

Шуларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 20 январдаги «Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмаси объектларини реконструкция қилиш ва қуриш чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги қарорига биноан 2011 йилда амалга оширилаётган мажмуавий тадбирлар тасдиқланди. Жумладан, йўналишларни мувофиқлаштириш, ер усти электр транспорти билан боғлиқ муаммоларни камайтириш, трамвайлардан фойдаланадиган йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида бажариладиган ишларнинг тўртта босқичи белгиланди.

(Давоми 2-бетда)

## ТОШКЕНТ УЧРАШУВЛАРИ

**Тошкент шаҳрида 2011 йил 7 апрель кuni ташқи ишлар вазирлари даражасида навбатдаги «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» учрашуви бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқи кенгашида раислик қилаётган Венгрия ташқи ишлар вазири Янош Мартони, Европа Иттифоқининг ривожланиш бўйича комиссари Андريس Пиебалгс ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пьер Морел, шунингдек, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ташқи сиёсат маҳкамаларининг раҳбарлари иштирок этди.**

Европа Ҳамжамиятлари ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида протокол имзоланди.

Шу кuni Ўзбекистон ва Венгрия ташқи ишлар вазирлари даражасида сиёсий маслаҳатлашувлар ҳам бўлиб ўтди.

(ЎЗА)

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси томонидан «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг устувор вазифалари» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда куйи палата депутатлари ҳамда «Камолот» ЁИХ етакчилари ва олий ўқув юрти талабалари қатнашди.

● Термизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитасининг сайёр мажлиси ўтказилди. Унда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятидаги ижроси ва республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бош бошқармаси томонидан унинг бажарилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

● Самарқандда буюк соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан «Темурийлар ренессансининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни» мавзуида илмий конференция ўтказилди.

● Нукус шаҳрида Оролбўйидаги йирик sanoat корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари иштирокида ҳудудий sanoat ярмаркаси ва кооперацион биржа бўлиб ўтди.

● Жиззах шаҳридаги «Согдиана Пай пласт» масъулияти чекланган жамиятида юқори босимга чидамли полиэтилен қувурлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун Миллий банкнинг 925 миллион сўмлик сармоясидан самарали фойдаланилди. Натихада бу ерда 11 турдаги, 88 хил ҳажмдаги сифатли ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилиб, 22 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

● Самарқанд вилояти «Ёшлар маркази»да «Сардорлар мактаби» тингловчиларининг тўртинчи авлод битирувчиларига тантанали диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Айтиш керакки, «Камалак» болалар ташкилоти қошида ташкил этилган мактаб тингловчиси бўлиш учун 500 дан ортиқ аризалар қабул қилинди. Улар орасидан танлаб олинган энг иқтидорли, интеллектуал салоҳиятли 70 нафар ўқувчига уч ойлик таҳсилдан сўнг дипломлар топширилди.

### ЖАҲОНДА

● Кеча Япониянинг шимоли-шарқида Рихтер шкаласи бўйича 7,4 балли кучли zilzila содир бўлди. Ер қимирлаши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди, 130 дан ортиқ аҳоли турли даражадаги тан жароҳатлари олди, газ узатиш тизими издан чиқди.

● Кеча Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги мактабларнинг бирида қуролланган жиноятчининг ўқувчиларни тўсатдан ўққа тутуши натижасида 11 ўқувчи ҳаётдан кўз юмди, 18 нафари яраланди. Полиция билан тўқнашув чоғида жароҳатланган жиноятчи эса ўзини ўзи ҳалок этди. Маълум бўлишича, қотил 23 ёшли ушбу мактабнинг собиқ ўқувчиси экан.

● Тарихда илк маротаба Куёш тизимидаги энг митти сайёра ҳисобланмиш ва олимлар жуда кам маълумотга эга Меркурий бевосита унинг орбитасидан тасвирга туширилди. Сурат НАСА томонидан космосга чиқарилган ва сайёранинг дастлабки сунъий йўлдошига айланган «Мессенжер» самовий аппарати ёрдамида олинди.

● Бангладешда 300 мингдан зиёд одамда вабога қарши вакцина синовдан ўтказиш мўлжалланган. Хиндистонда ишлаб чиқарилган мазкур препарат таъсир кучининг юқорилиги ва арзонлиги билан кўпчиликнинг эътиборида. Вакцинанинг илк синови мамлакатнинг Мирпур шаҳри — вабо хасталиги энг авж олган ҳудудда ўтказилади.

● Мексикада биринчи бор биоёнилгидан фойдаланган ҳолда авиарейс амалга оширилди. Ушбу синовда Европа авиакомпанияларидан «Airbus» ҳамда маҳаллий «Interjet» компанияси иштирок этган. Биоёнилги билан тўлдирилган «A320-214» самолёти Мехикодан парвоз қилган ва мамлакат жанубидаги Тукстла-Гутьеррес шаҳридаги аэропортга муваффақиятли қўнган.

Учрашувда томонлар Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан Янги шериклик стратегиясини амалга ошириш доирасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва уни ривожлантириш истиқболларига доир, савдо-иқтисодий алоқалар ҳамда энергетика, атроф-муҳит, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш ва наркотрафика қарши курашиш соҳаларида минтақавий ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар. Шунингдек, Афғонистондаги вазият ҳамда минтақавий хавфсизликка оид томонларни қизиқтирган бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти билан Европа Иттифоқи делегациясининг икки томонлама музокаралари ақунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва

# ХАЛҚИНГИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИГА ҲАВАСИМИЗ КЕЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ганс БЮРГЕР (Германия):

— Юртингиз ҳар фаслда гўзал, мафтункор. Пойтахтингизда икки йил аввал меҳмон бўлган эдим. Ўтган қисқа вақтда бу ерда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрдим. Ушанда олтин куз Тошкентга ўзгача жозиба бахш этганининг гувоҳи бўлганман. Шаҳрингизга бу гал келганимда баҳорнинг илиқ тафти уфуриб турганини ҳис этдим. Янгиланиш ва яшариш фаслининг юртингиз чиройи билан уйғунлашуви мени кувонтирди.

Тошкент бозорларида исталган махсулотни топиш мумкин.

Айтиш жоизки, кўплаб миллат ва элат вакиллари аҳил-инок, фаровон, осуда ва тинч-тотув ҳаёт кечираётгани — Ўзбекистонда барча миллатларга кўрсатилаётган улкан эътибордан далолатдир.

**Рашад МАГИД (Саудия Арабистони):**

— Қасбим иқтисодчи бўлса-да, санъатга жуда қизиқаман. Қайси давлатга бормай, ўша мамлакат миллий ҳолу асбобиини эсдалик учун хариб қилишга одатланганман. Бу ердан ўзбек миллий ҳолу асбобларидан бири — доира сотиб олдим. Тан олиш керак, ўзбек миллий куй-қўшиқлари, бектор наволари бугун дунё халқларини ўзига оҳанрабодек мафтун этмоқда. Ўзбекистон рақс ўзига хослиги ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Дилларни ошуфта қилувчи ўзбек санъатига меҳрини жуда баланд.

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат асосига қурилган икки томонлама алоқаларимиз янада ривожланиб бораверишига ишонаман.

**ЎЗА МУХБИРИ  
МАДИНА УМАРОВА  
ЎЗИБ ОЛДИ**



(Давоми. Боши 1-бетда)

Биринчи босқичда Муқимий кўчаси, Ш.Руставели, Қўшбеги, Кичик халқа автомобиль йўли кўчаларидан Тараққиёт кўчасигача 7,1 километр узунликдаги трамвай йўли, уланиш тармоғи, трансформатор қуйишхоналари «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан қурилиб, Наврўз умумхалқ байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

Шуни айтиш жоизки, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК бу ишларни кенг кўламли олиб борди ва қисқа муддат ичида ўз маблаглари ҳисобига амалга оширди.

Қурилишга Андижон, Қўқон, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятидан темирйўл мутахассислари

жалб этилди. Уч сменада 2500 мингдан зиёд ишчи-хизматчи банд бўлди. 150 дан ортиқ кичик ва катта автотехника воситалари, ўнга яқин темирйўл қурилиш поездларидан фойдаланилди. Янги трамвай йўлига 30 километрга яқин рельс, 30 мингта шпал, 250 та уланиш тармоғи устунлари ўрнатилди, 15 километрга МФ-85 туридаги уланиш симлари тортилди. Иккита трансформатор қуйишхонаси ва Салор канали устидан 24 метрлик кўприк қурилди. Бундан ташқари, темирйўлчилар томонидан Кичик халқа автомобиль йўли кўчасида иккита ер ости йўловчилар ўтиш йўли реконструкция қилинди, Темир йўл музейи олдида бир километрлик темир девор қурилди, уч километрга яқин ирригация тармоқлари ва темир-бетон тўсиқлар ўрнатилди. Қурилиш ишлари компания раҳбариятининг доимий назорати остида олиб борилди. Уларнинг тажрибаси, малакаси ўз натижасини берди.

«Тошхартрансхизмат» уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси шахримиз аҳолиси номидан темирйўлчиларга бундай ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари учун ўз миннатдорчилигини билдиради. Ушбу ишлар давом этаётган пайтда вақтинчалик тўхтатилган 13-трамвай йўналиши М.Улуғбек кўчасидан Тараққиёт кўчаси, Тошкент тиббиёт академияси, Кичик халқа автомобиль йўли, Туркистон кўчаси ва Ўзининг йўналиши бўйича, 9-трамвайнинг эса Муқимий, Ш.Руставели, Қўшбеги, Кичик халқа автомобиль йўли, Сарикўл, Темирйўлчилар кўчалари бўйича ҳаракати тикланди.

Маълумки, Самарқанд Дарвоза кўчаси кўп йиллардан бери таъмирталаб бўлиб, автотранспорт воситалари, айниқса автотўсиқларнинг ҳаракатига мослашмаган, йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига жавоб бермас эди. Шу боис иккинчи босқичда Самарқанд Дарвоза кўчасининг Оқтепа майдонигача бўлган 2,7 километрлик

автомобиль йўлини 30 метргача кенгайтириб реконструкция қилиш, трамвай йўли, уланиш тармоғи, трансформатор қуйишхоналарини қуриш режалаштирилган ва бу ишлар бугунги кунда жадвал суръатларида олиб борилмоқда. Қурилиш ишларининг апрель ойининг охирида тугатилиши мўлжалланмоқда.

Ушбу ҳудудларда бунёдкорлик ишларини «Тошхартрансхизмат» уюшмаси мутахассислари «Ўзавтойўл» ДАКнинг «Олмазор ЭМРВПП» корхонаси билан биргаликда олиб бормоқдалар. Қурилишда ҳар куни 100 дан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда, 50 га яқин автотехника ва механизмлардан фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда бу ерда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Жарариқни тўлдириш учун 50 минг кубометрдан ортиқ тупроқ ташилди, иккита тортиш қуйишхонаси биносининг қурилиш ишлари тугалланмоқда. Мухан-

Тўртинчи босқичда эса Фарғона йўли кўчасидан М.Ашрафий кўчаси бўйлаб Алимкент кўчасигача бўлган 2,5 километр автомобиль йўлини реконструкция қилиш, трамвай йўли, уланиш тармоғи, трансформатор қуйишхоналарини бунёд қилиш қўзда тутилган.

3,4-босқич реконструкция ишлари ҳам «Тошхартрансхизмат» уюшмаси зиммасига топширилган бўлиб, жорий йил давомида бажарилиши белгиланган.

— **Янги трамвай йўналишлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

— Реконструкция ишлари туганидан сўнг, 27-трамвай йўналиши Беруний метро бекети — «Малика» бирлашмаси оралиғи бўйича йўлга қўйилади. 12-трамвай «Малика» бирлашмасидан Шайхонтоҳур, Туркқўрғон, С.Йўлдошев, Мискин, Шимолий Олмазор, Янги Олмазор, Қорасарой, Шамсуддинова, Н.Ҳасанова, 2-Қорақамш, Тансиқбоев, Қамарнисо, Шифокорлар, Белтепа, Ибн Сино, ТАХИ, Бешкайрағоч, Тўқимачи, Алмоний, Саккокий, Фарход, Лутфий кўчаларидан Оқтепа майдонигача қатнайд.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2011-2012 йилларда 20 та янги замонавий трамвай вагонларини харид қилиш белгиланган ва шунга асосан Че-

хия ишлаб чиқарувчилари билан 20 та замонавий, қисман паст полли трамвай вагонларини олиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Трамвай парки янгиланганидан сўнг келажакда янги иккита трамвай йўналишларини очиб режалаштирилган. Улар «Тошкент» вокзалдан Кичик халқа автомобиль йўли, Сарикўл, Меҳржон, Сайхун, Фарғона йўли, М.Ашрафий, Қорасув, Паркент, Охангарон кўчаларидан Янгиобод мавзесигача, шунингдек, «Кўйлик Марказ»дан Фарғона йўли, М.Ашрафий, Алимкент кўчаларидан «Чкалов» метро бекатигача қатнайд.

Яна шуни айтиш жоизки, қўриқда келтирилган қарорга биноан йўлларни кенгайтириш мақсадида шаҳар марказидаги Амир Темур шоҳқўчаси, А.Навоий, Шаҳрисабз, Ш.Руставели, Миробод кўчаларидаги трамвай йўлларини демонтаж қилиш белгиланган эди. Ушбу ишлар қисқа муддат ичида Наврўз байрами арафасида тугатилди ва унда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг барча қорхоналари фаол иштирок этди. Бугунги кунда йўлларни асфальтлаш, тўсиқлар ўрнатиш, транспорт ҳаракати ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларни ажратиб турадиган панжаралар қўйиш ишлари амалга оширилмоқда. Марказий кўчаларимиз ўнта қаторли кенг ва раван йўл даражасига келиб, замонавий тус олмоқда.

Амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига муносиб совға бўлади.

**Сухбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ**

## БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ САМАРАЛАРИ

дислик тизимлари (ичимлик суви, оқова суви, газ, электр ва телефон тармоқлари)ни қўчириш ишлари давом этмоқда. 1500 метр трамвай йўлининг рельс-шпал панжаралари, 1200 метр узунликдаги ирригация тармоқлари ўрнатилди. 68 та уланиш тармоғи устунлари қўйилиб, махсус қисмлар монтаж қилинди. Оқтепа майдони олдидаги канал устига трамвай учун иккита алоҳида кўприк қуриш ишлари олиб борилмоқда. Секин-аста бу эски йўл замонавий тус олмоқда. Йўлни кенгайтириш учун бузилган хонадонларда истисколик қилиниши уй ва ер участкалари билан таъминлаш ишлари шаҳар ҳокимлиги томонидан амалга оширилди.

Ушбу автомобиль ва трамвай йўллари қурилиши туганидан сўнг 8-трамвай ҳаракати Уйғур кўчасидан Самарқанд Дарвоза, Муқимий, Ш.Руставели, Қўшбеги, Кичик халқа автомобиль йўли, Сарикўл, Темирйўлчилар кўчалари бўйича йўлга қўйилади.

Реконструкция ишлари сабабли вақтинчалик ҳаракати тўхтатилган трамвай йўналишлари ўрнига автобус йўналишлари очилди. Бунинг учун Самарқандда ишлаб чиқарилган «Исузу» русумли автобуслардан 50 таси харид қилинди. Жумладан, 27-трамвай қатнови ўрнига 78-автобус, 8-трамвай қатнови ўрнига — 46-автобус йўналишлари очилди.

Учинчи босқичда Бешкайрағоч, Тошкент автомобиль халқа йўлидан Ибн Сино мавзесига 3,6 километр узунликдаги трамвай йўли, уланиш тармоғи, трансформатор қуйишхоналарини қуриш режалаштирилган.

### Тадбирлар

## МАҲАЛЛАДОШЛАР МАМНУН

**Учтепа туманидаги «Нишабарик» пойтахтимиздаги аҳолиси анча гавжум маҳаллалардан бири ҳисобланади. Ушбу маҳаллада фуқаролар йиғини ташаббуси билан тез-тез хайрия тадбирлари уюштириш, кам таъминланган оилалар вакиллари, меҳрга, саховатга ташна имконияти чекланган инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий-маънавий кўмак кўрсатиш одатий ҳолга айланган.**

«Нишабарик» маҳалласида куни кеча яна бир хайрия тадбири уюштирилди. Унга маҳалла фаоллари, нуруний отахонлар, онахонлар, кам таъминланган оилалар аъзолари, имконияти чекланган, меҳрга ташна инсонлар таклиф этилди. Бир дастурхон атрофида жам бўлган маҳалладошларга баҳорий неъматлар — сумалак, кўк сомса, кўк чучвара ҳамда миллий таомимиз — палов тортилди. Маҳал-

ла маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собиржон Туропов. — Шу боис ҳам бу ерда мактабга таълим муассасаси, мактаб, мусиқа мактаби, гузар, чойхона, бозорча ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Албатта, маҳалла фаоллари ёрдамида меҳрга муҳтож инсонлар учун тез-тез хайрия тадбирлари уюштиришни кандал қилмаймиз. Чунки савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак.

Тадбирда маҳалла фаолларидан Равшан Мусабоев, Асадилла Убайдуллаев, Алишер Мирзаевлар сўзга чиқиб, Энг улуг, энг азиз неъмат бўлмиш Истиклол туфайли юртимизда миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар қайта тикланганини, шу туфайли ҳам аҳолини ижтимоий химоя қилиш, меҳрга муҳтож инсонларга доимо ёрдам бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги алоҳида ургу беришди.

Тадбир якунида кам таъминланган оилаларда яшовчи 40 нафар маҳалладошларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ  
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа  
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат**



## БОҒ ЯРАТИШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ОДАТ

**Мевали, манзарали кўчатлар экиб боғ яратиш — асрлар мобайнида давом этиб келаётган, халқимизга хос бўлган кўҳна азалий қадриятлардан бўлиб, мамлакатимизнинг табиий дунёсини бойитишга, кишилар соғлигини мустаҳкамлашга, шаҳри азим Тошкентнинг ҳуснига ҳусн, кўрқига кўрк қўшишга хизмат қилади.**

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатларининг кўчат экиш ҳақидаги ташаббуси Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши тасарруфидаги қорхона, ташкилотлар, ўқув муассасалари ишчи-хизматчилари ҳамда талаба-ёшлар ва пойтахтимиздаги маҳаллалар фаоллари томонидан қўллаб-қувватланиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши тасарруфидаги қорхона, ташкилот ҳамда ўқув муассасаларида 55 минг 465 туп мевали, 135 минг 406 туп манзарали кўчатлар ўтказилди. Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раҳбарияти, маҳаллаларнинг фаоллари томонидан қасаба уюшмаларининг хайрли ташаббуси мамнуният билан қутиб олиниб, маҳаллалар ҳудудида ҳозирга қадар 151 минг тупдан ортиқ мевали, 204 минг туп манзарали кўчатлар экилди.

Кўчат экиб боғлар барпо этиш борасидаги хайрли ишлар меҳнат ҳамда ўқув жамоаларида ва маҳаллаларда давом этмоқда. Ишчи-хизматчилар, талаба-ёшлар, маҳаллалар аҳли фаол иштирок этаётган, доно кексаларнинг бегараз маслахати, ёшларнинг ғайрат-шижоати уйғунлашган баракали меҳнат билан йўналиш яратишга йўналтирилган, эзгуликка хизмат қиладиган тадбир муҳим тарбиявий аҳамият касб этмиши билан ҳам эътиборга сазовордир.

**Улубек ПЎЛАТОВ**

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ташаббуси билан Қонунчилик палатасида Олий Мажлис Сенати ҳамда Адлия вазирлиги бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида матбуот конференцияси ўтказилди.**

Матбуот анжуманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари мда ахборот агентликлари вакиллари иштирок этди.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқолиқ жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи билан эълон қилинган олти устувор йўналишларда бири бўлган Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот сўз эркинлигини таъминлаш йўналишининг мақсадида бу борада қабул қилиниши кутилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир аввалида эътироф этилдики, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур концепция чуқур таҳлилларга бойлиги, кенг қамровлиги, юртимизда кечаётган жараёнларга бутунлай янгича қарайилган ёндашгани, жамият ҳаётининг барча жабҳалари янада демократлаштириш борасида илғор ҳолатини эртага ташлангани билан низоҳатда долзарб аҳамият эгалигидир. Тақдим этилган Концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича танлаган йўналишларда набатдаги изчил қадам бўлиб, тараққиётни янги даврнинг асосий йўналишининг белгилаб беради. Унинг самарали амалга оширилиши Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, қаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатни молинизация қилиш йўлида мулкка янги уфқларни очиб бериши.

Матбуот анжумани иштирокчилари таъкидлашдики, Концепцияда тақдим этилган ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш нури назардан келиб чиқди. Шунингдек, унинг соҳад реал воқеалар билан мукамал ва чуқур мувофиқлаштириш тарафидан мазмун-моҳият касб этди. Хусусан, давлат ҳарбий томонидан Концепцияда таклиф этилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг қилиги тўғрисида»ги Қонуни давлат ҳокимияти ва берауви органлари фаолиятининг очиқлиги, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент оралиги таъминлаш борасидаги ролини қучайтириш тарафидан самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга қилганлиги билан муҳим аҳамиятга эришилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг бошқаруви остидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги конституциявий ҳуқуқларни янада кенгайтириш амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам ҳар тарафлама қучайтира Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат биллашмирининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваломбор, фуқароларг ҳуқуқ ва эркинликларни, қонуний манфаатларни бил боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабар бўлиб боришини таъминлайди. Шу билан бирга, у қонун ҳужжатининг амалга киритилиши ижро мияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг и ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошқоинлигини, мамлакатимиз ва ҳорижда кечаётган воқеалар билан хусусида фуқарлар хилма-хиллиги ва сиёсий плизимини ҳисобга олган ҳолда таъминлашни назарда тутмоқда.

Бу эса, давлат ва жамоат бирлашмалар ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаолаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни кўзда эди. Шу ўринда мутахассислар ва журналистлар томонидан ушбу қонун лойиҳасига таклифлар, лойиҳани ҳар оғулма мукамал тайёрлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан муносабатларини кў чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш асидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жаерлигини қучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни тинлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни шаклланиш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, ОАВ ходимлари ҳамда давлат ҳўжалик бошқаруви органлари ўртасида яқин ҳамкорни ўрнатиш, журналистлар томонидан ахборотлар ол тушлаш ва тарқатиш масалаларида қонунчиликни тайлаштириш, журналистларни аккредитациядан ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Матбуот конференцияси давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг таъбирида Концепциядаги қурилаётган давлат ва жамоат бирлашмалари эрот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаолаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Бу борада бугунги кунда айрим давлат ва тоат бирлашмаларида ташкил этилган ахборот хизматларининг ижобий иш услуби мисол тариқасида таъкид этилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 150 нафар журналистнинг аккредитация қилинганлиги ҳамда ўтказилаётган қатор семинар-тренинглар парламент журналистикани шакллантиришда муҳим лият касб этаётгани ОАВ вакиллари томонидан алоҳ эътироф этилди.

Матбуот конференцияда Концепциянинг ёрот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлиги таъминлаш йўналишида кўзда тутилган янги и лойиҳалар ва амалдаги қонунларга ўзгартиш вашичмалар киритиш юзасидан қатор таклифлар ўртага қланди.

Бу борадаги ишларни янада қучайтириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенатда Адлия вазирлигининг таклиф ва тавсиялари аб қилинди. Журналистларни қизқитиришга самарали батафсил жавоб берилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матб хизмати**



ладаги ёш хонандалар ижросида янграган она Ватан, муҳаббат ва эзгулик, саховатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар эса кеча файзига фэйз қўшди.

— Маҳалламиз анча катта бўлиб, 4665 нафар инсон истикомат қилади, — дей-



## Кўргазмалар

## ОСИЁ РАМЗЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси, Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги, UNESCO Осие-Тинч океани минтақаси маркази, Ўзбекистон Республикасининг UNESCO ишлари бўйича миллий комиссияси, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида «Осие фазоси, Осиенинг рамзлари» деб номланган кўргазма очилди.



"ОСИЁ ФАЗОСИ;  
ОСИЁНИНГ ЕРКИН РАМЗЛАРИ"  
ФОТОАЛБОМИ ТАЪДИДИ

PRESENTATION OF PHOTOGRAPHY  
"ASIAN COSMOS: AUSPICIOUS  
PATTERNS OF ASIA"

4.04.2011

катлари халқлари ва этник гуруҳларнинг мафтункор тимсолларига эътибор қаратишда янада илҳомлан-тирди.

Кўргазмадаги ҳар битта лавҳа бутун бир борлиқни қамраб олгандай таассурот қолдиради одамда. Ранг-баранглик ва уйғунлиқнинг жилолари сирли сеҳрлар мамлакатига чорлагандай тасаввур уйғотади.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа  
Алексей Попов олган сурат

Унда Хитой, Индонезия, Эрон, Непал, Покистон, Корея ва Ўзбекистоннинг ноёб кўринишлари ҳамда рамзлари тақдим қилинган. Кўргазмани томоша қилар экансиз, Осиега оид барча лавҳа ва рамзларни тўла қамраб олишининг илоҳи бўлмасда, унинг кўплаб тасвирлари мужассамлаштирилганига ғувоҳ бўласиз.

Ибтидоий даврдан тортиб то ёзув-чизув кашф қилингунга қадар одамлар муайян маъноларни англа-тувчи рамзларни турли жойларда тасвирлаб келган-лар. Бу рамзлар борлиқдаги кўзга кўринмас ҳодиса олдидан ибодат қилиш, қабилаларни бир-биридан фарқлаш учун ишлатилган. Улар алифбо тизими кенг

оммалашгунча мулоқот воситаси ва кундалик ҳаётнинг ёрқин тасвири бўлиб хизмат қилган.

Кўпгина тарихчилар ажодларимиздан бизгача етиб келган рамзлар доирасида эҳтимолдаги маъно-ларни излаш ва талқин қилишда давом этмоқдалар. Қадим замонлардан қолган энг кўп ва яхши сақланиб келган тимсоллар кўринмас илоҳларга сажда қилиш билан боғланган. Уларнинг моҳиятини муҳим тарихий фактлар, ижобий образлар сифатида осон аниқлаш мумкин.

Бинобарин, инсоният ажодларининг турфа хил бой тарихи, лойиҳа мажмуаларини Осие мамла-

Республика болалар кутубхонасида анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиладиган «Китоб билим манбаи» мавзусида ахборот кунни ташкил этилди.

## КИТОБ — БИЛИМ МАНБАИ

Унда Тошкент шаҳар ахборот ресурс марказлари раҳбарлари, Тошкент Давлат маданият институти малака оширувчилари ва маданият коллежи ўқувчилари иштирок этди.

Кутубхонада ҳозирги кунда сақизта бўлим фаолият юритаётган бўлиб, унда боғча ёшдан бошлаб, юқори синф ўқувчиларигача фойдаланиши мумкин бўлган адабиётлар жамланган. Санъат бўлими эса нафақат ўқувчилар учун, балки олий ўқув юрталари талаба-ёшлари учун ҳам хизмат кўрсатади. Шунингдек, кутубхонада яратилган бошқа имкониятлар ҳам ёшларнинг билим манбаидан тўла-тўқис фойдаланиши учун қўлайлик яратади.

Тадбирда кутубхонага йил давомида келтирилган янги китобларга шарҳ берилди, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, «Шарқ нашриёт» матбаа акциядорлик компанияси ҳамда «Чўлпон нашриёт матбаа уйи» томонидан чоп этилган бадий адабиётлар кўргазмаси ташкил этилди. Ўзбек адаблари билан бирга, чет эл ёзувчиларининг ҳам ўзбек тилига таржима қилинган асарлари тадбир иштирокчиларининг қизиқишига сабаб бўлди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган ахборот кунни ҳар йили турлича янгилик ва фикрларга бой бўлади, — деди илмий-услубий бўлими бош кутубхоначиси Шоҳиста Эркаҳўжаева. — Кутубхонамиздаги мавзудан адабиётлар, янги манбалар ҳақида батафсил ахборот бериб тураемизки, кимгадир шу китоб керак бўлса, бемалол фойдалансин. Шунингдек, бу тадбирда йиғилганлар ўзларининг таъриф-мулоҳазаларини билдиради, янгиликлар, содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, долзарб масалалар ҳамда инновацион технологиялар ҳақида фикр алмашади. Бу эса келажакда ҳар бир мутахассиснинг иш фаолиятида асқотишига шубҳа йўқ.

«Туркистон-пресс»

## ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Глиэр номидаги ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида 2011 йилда Зулфия номидаги давлат мукофотида сазовор бўлган иқтидорли қизлар билан учрашув ўтказилди.

Олмазор туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шарафчиси етакчилар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Миллий университетида тахсил олаётган ва Зулфия номидаги давлат мукофотида сазовор бўлган ўнлаб қизлар ҳамда тумандаги барча умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшлари иштирок этди.

Тадбирда юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги кенг қўламли ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бо-

расидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда ЎЗМУ, Тошкент Маданият коллежи ва Ўзбекистон давлат Санъат институти талабаларининг куй-қўшиқлари, театрлаштирилган сахна кўри-нишлари ва бадий чиқишлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Жаҳми қизалоқ эдим, пианино чалишга ва мусиқага бўлган кучли ҳавас, содда ижро-чилик маҳорати мени бугун ўзим тахсил олаётган В.Успенский номидаги Республика ихтисослаш-тирилган мусиқа академик лицейи томон етаклаган, — дейди 2011 йилда мусиқа йўналишида Зулфия номидаги давлат муко-фоти совриндори Тамилла Са-римсоқова. — Бу ерда устозла-римдан мусиқа илмининг бор

сир-синаотларини мукамал ўргандим. Бу изланишлар самараси ўлароқ 2006 йилда Италиянинг Агрополи шаҳрида ўтказилган халқаро пианиночи-лар кўрик-танловида биринчи ўринни қўлга киритдим. 2008 йилда Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган халқаро пианиночилар фестивалида иккинчи ҳамда 2009 йили Грецияда бўлиб ўтган мусиқа кўрик-танло-вида мутлақ голибликни қўлга киритдим. Мен халқимизнинг су-юкли, ҳассос шoirаси Зулфия-хоним издоши номига сазовор бўлганимдан ва озолаб иқтидор-ли тенгдошларим қатори мам-лакатимиз мусиқа санъати до-вруғини жаҳон бўйлаб тараннум эттираётганимдан фахрланаман.

Тадбирда 2011 йилда санъат, мусиқа ва маданият йўналиши-да Зулфия номидаги давлат му-кофотида сазовор бўлган иқти-дорли қизлар ўз бадий чиқиш-лари орқали қобилиятларини на-моиш этишди. Тумандаги ўрта махсус, касб-хунар таълими му-ассасаларида тахсил олаётган бир гуруҳ ўқувчи-ёшларнинг му-сиқали дастурлари барчага бир-дай манзур бўлди.

## ШАҲРИМИЗДА — ЖАҲОН КУБОГИ БОСҚИЧИ

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон от спорти федерацияси ҳамкорлигида ташкил қилаётган тўсиқлардан сақраш (конкур) бўйича Жаҳон Кубоғининг биринчи саралаш босқичи мусобақалари бошланди.

Нуфузли мусобақаларда Марказий Осие лигасининг Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон каби энг кучли жамоа ва чавандозлари галаба учун кураш олиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, турнирда иштирок этаётган от спорти (тўсиқлардан ўтиш) бўйича мамлакатимиз терма жамоаси энг кучли чавандозлардан ташкил топган. Чунки, 9 қарра Жаҳон Кубоғи саралаш мусобақаларининг голиби Файрат Назаров, ўтган йилги жаҳон Кубоғи саралаш маросимининг голиби Даврон Фафуров, Жаҳон Кубоғи саралаш босқичи мусобақаларининг голиби ва совриндори Иброҳим Йўлдошев, Осие чемпионати голиби Нуржон Тулябоев каби моҳир ва тажрибали спортчиларнинг терма жамоамиз таркибидан ўрин олганлиги вакиллари-мизнинг босқич голиблари бўлишларида муҳим омил вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

Бугунги беллашувлар хусусида тўхталадиган бўлсак, дастлаб чавандозлар «С» жадвалига кўра баландлиги 130 сантиметр бўлган тўсиқлардан сақрайдилар. Сўнг иккинчи мусобақа дастурига кўра икки босқичдан иборат танловга мўвофиқ дастлаб 130 сантиметр, иккинчи босқичда эса 135 сантиметр баландликдаги тўсиқлардан ўтилади.

Кейинги икки кун давомида Миллатлараро кубоғи мусобақалари ва максимум балл йиғиш (жокер), энг юқори тўсиқлардан сақраш ва Гран при бўйича беллашувлар бўлиб ўтади. Турнир голиби ва совриндорлари 10 апрель кунни аниқланади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

## Спорт янгиликлари

Жорий йилнинг 3 май кунини шаҳримизда «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони доирасида инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш, имконияти чекланган болаларнинг жамият ҳаётида фаол ва тенг иштирок этишларини таъминлаш мақсадини кўзлаган «Бирга бўл!» шiori остида марафон бўлиб ўтади.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Жаҳон банкнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорликларида уюштирилаётган марафонда ўғил-қизлар, мактаб-лицей, касб-хунар коллежлари, мактаб-интернатлар ўқувчилари, мактаб ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, кино, эстрада, спорт юлдузлари, дипломатик корпус вакиллари, хорижий меҳмонлар ва барча хоҳловчилар иштирок этадилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ БЎЛИШДИ

Бухоро вилоятида дзюдо бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионатида 1996-1998 йилларда туғилган ўғил болалар ва қизлар голиблик учун кураш олиб боришди.

Мамлакат биринчилигида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган 500 нафар ёш дзюдочилар галамга чиқди.

Ўғил болалар ўртасида ўтказилган баҳсларда бухоролик дзюдочилар — Асадбек Матқурбонов, Азамат Матқурбобов, Илҳом Фармонов, Аҳмад Азимов, пойтахт вилоятидан Раҳим Субхонов, Достон Рўзиев, Мухриддин Мирзаёровларга ўз вази тоифаларида Ўзбекистон чемпиони бўлиш насиб этган бўлса, ҳамшаҳарларимиз — Комилжон Абду-самадов, Нуралӣ Ҳақбердиевлар ҳам барча рақибларини енгиб олтин медаль эгасига айланмишди. Шунингдек, самарқандлик Комрон Нуруллаевга ҳам беллашувларда тенг келадиган рақиб топилмади.

Қизлар ўртасида эса бухоролик спортчилар — Гулрўх Муродова, Алфия Ганжиева, жиззахлик Зухра Файзуллаева, самарқандлик Ситора Баротова, Шаҳноза Усмонова, андижонлик Феруза Юсупова, хоразмлик Турсунпошша Нурматова бошқалардан кўра маҳоратлироқ эканликларини

## САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДАГИ МАРАФОН

Мамлакатимизда 2007 йилдан жорий этилган «Ўзбекистонда инклюзив таълим» лойиҳасининг асосий мақсади имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлашдир. Лойиҳа доирасида «Инклюзив таълим миллий модели» концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра Навоий, Термиз, Қарши, Жиззах,

Самарқанд, Қўқон шаҳарларидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида аралаш гуруҳлар тузилган. Ўтган йилдан Тошкент, Фарғона, Андижон, Гулистон шаҳарларидаги янги мактабгача таълим муассасалари, мактаб, лицей, касб-хунар коллежлари лойиҳага киритилди. Бугунги кунга келиб, шундай аралаш муассасаларда имконияти чекланган 600 нафардан ортиқ ўғил-қиз тахсил олмақда.

исботлаб биринчилиқнинг олтин медалларини қўлга киритган бўлишса, ҳамшаҳарларимиз Махлиё Маннопова ва Махлиё Қўқороваларга ҳам ушбу нуфузли турнирда омад кулиб боқди.

Яқунда умумжамоа ҳисобида Бухоро вилояти шохсупанинг энг юқори поғонасига лойиқ кўрилган бўлса, пойтахт вилояти ва шаҳри жамоалари иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

Чемпионат голиблари ва совриндорларига совринлар, эсдалик совғалари тўхфа этилди.

## ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА

Маълумки, 2014 йилда Жанубий Корейнинг Инчхон шаҳрида Осие ўйинлари бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирнинг таэквондо беллашувларида муваффақиятли иштирок этишга аҳд қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳозирдансоқ мусобақага тайёр-гарликни бошлаб юборишган.

Кунини кеча энг иқтидорли таэквондочилардан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари айнан Жанубий Корейга жўнаб кетишди. Инчхон шаҳрида бир ой мобайнида ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этадиган терма жамоамиз аъзоларининг жисмоний ва руҳий тайёр-гарлиги синовдан ўтказилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-01-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3987 нусxada босилади.  
Қозғоқ бевони А-2



Узгидромет  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 9 апрель кунини ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14 даража илқ, кундузи — 20-22 даража илқ бўлади.

Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, жала қуйиши

мумкин. Фардан секундида 7-12 метр, жала давомида 15-20 метр тезликда кучайган ҳолда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 10-15 даража илқ, кундузи 20-22 даража илқ бўлади.

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 9 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фозиз кўпайиши таъмин қилинмоқда, таъмиқ дори наст бўлади.

Нашри отказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5